

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“Milliy banklararo protsessing markazi”
aksiyadorlik jamiyati**



Давлат активларини бошқариш
агентлигининг 2024 йил
ноябрдаги 241/09-6-қр-сон
қарори билан

**“MILLIY BANKLARARO PROTSESSING MARKAZI”
AKSIYADORLIK JAMIYATI**

УСТАВИ

(янги таҳрирда)

Тошкент - 2024 йил

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. “Milliy banklararo protsessing markazi” aksiyadorlik jamiyati (кейинги матнларда - Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги 3945-сонли Қарори ва Жамият Ягона акциядорининг 2024 йил 10 майдаги 154-сонли буйруғига мувофиқ масъулияти чекланган жамиятни қайта ташкил этиш орқали ташкил этилган.

1.2. “Milliy banklararo protsessing markazi” aksiyadorlik jamiyati “Milliy banklararo protsessing markazi” mas’uliyati cheklangan jamiyatining барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворисидир.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.18. Жамият ўзининг мустақил балансига ҳамда банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, шу жумладан чет эл валютасида бўлган ҳисоб рақамларига эгадир. Жамият ўз фаолиятини тўлиқ мустақил хўжалик юритиш, ўзини-ўзи молиялаштириш ва ўзини-ўзи қоплаш тамойиллари асосида юритади.

1.20. Жамият ўз фирма номи ёзилган штамплари ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

1.21. Жамият унга тегишли бўлган ҳамда мустақил балансида ҳисобда турган мулкка эгадир, ўз номидан ҳуқуқларга эгалик қилиши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.22. Жамият ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштиради, маҳсулот ва хизматга бўлган талаб эҳтиёжидан келиб чиқиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришни таъминлайди.

1.23. Жамият ҳар қандай молия-кредит муассасаларида ҳисоб варағи ва бошқа ҳисоб-китоб учун мўлжалланган ҳисоб рақамлари очиш, улар орқали миллий ва чет эл валюталарида амалдаги Қонунчилик меъёрларига риоя қилган ҳолда таъқиқланмаган ишларни амалга ошириши мумкин.

1.24. Жамият банк муассасаларида ўз ҳисоб варағида пул маблағларни мустақил равишда ҳаражат қилиш, миллий ва чет эл валюталарида банк ва муассасаларнинг кредитларидан фойдаланиш, қимматли қоғозлар сотиш олиш ва улардан даромад олишга ҳақлидир.

1.25. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнлари ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

1.26. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.27. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хорижий давлатларда филиаллар ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларнинг низомини тасдиқлаши мумкин. Филиал ва ваколатхоналар раҳбарлари жамият томонидан тайинланган шахслар бўлиб, улар жамият берган ишончнома асосида фаолият юритадилар.

Филиал ва ваколатхоналар жамият мулки ҳисобидан асосий ва айланма маблағлар билан таъминланади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Жамият филиал ва ваколатхоналар олган мажбуриятлар бўйича жавоб беради.

Жамият юридик мақомга эга бўлган шўба ва тобе хўжалик жамиятлари ташкил қилиши мумкин.

2. ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ, ФАОЛИЯТ МУДДАТИ ВА ЖАМИЯТНИНГ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ВА ФИЛИАЛЛАРИ.

2.1. Жамиятнинг номланиши:

2.1.1. ўзбек тилида:

Тўлиқ: “Milliy banklararo protsessing markazi” aksiyadorlik jamiyati;

Қисқартирилгани: “МВРМ” АЖ.

2.1.2. инглиз тилида:

Тўлиқ: “National interbank processing center” join stock company;

Қисқартирилгани: “NIPC” JSC.

2.1.3. рус тилида:

Тўлиқ: Акционерное общество “Национальный межбанковский процессинговый центр”;

Қисқартирилгани: АО “НМПЦ”.

2.2. Жамиятнинг почта манзили: **Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 178/1-уй.**

2.3. Жамиятнинг веб сайти манзили: www.humocard.uz

2.4. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@nmpc.uz

2.3. Жамиятнинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган.

3. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ.

3.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ҳамда мазкур Уставда кўрсатилган мақсадларга жавоб берадиган барча турдаги хўжалик ва тижорат фаолиятларини олиб бориш ҳуқуқига эга.

3.2. Жамият фаолиятининг мақсади куйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон молия бозорига илғор банк инфор­мацион технологиялари ва электрон тўлов воситаларини комплекс, ҳар томонлама ва мақсадга йўналтирилган ҳолда татбиқ этишни ташкиллаштириш;

- пластик карточкаларни қўллаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Халқаро тўлов тизимини жорий этиш ва уни ривожлантириш, ягона тўлов ҳудудини кенгайтириш ҳамда унинг Халқаро молия ҳамжамиятлари ва Халқаро тўлов тизимлари (Visa, EuroCard, MasterCard, American Express, Diners Club, JCB ва бошқалар) интеграциясига эришиш;

- банк фаолияти бошқарувининг замонавий ҳисоблаш техникалари, телекоммуникация ва дастурий таъминот воситаларига асосланган усулларини жорий қилиш ҳамда банк хизматлари турларини кенгайтириш;

- молия ва инфор­мацион технологиялари, банк фаолиятини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш соҳасида инвестицион фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- банк инфор­ма­цион тех­но­ло­гия­ла­ри ва элек­трон тў­лов воситалари, банк фао­лиятини ав­то­мат­лаш­ти­риш ва ком­пью­тер­лаш­ти­риш, банк­ла­ро ва кор­по­ра­тив ало­қа ҳам­да теле­ком­му­ни­ка­ция тизим­ла­ри со­ҳа­си­да мар­ке­тин­г из­ла­ниш­ла­ри олиб бо­риш, узоқ му­ддат­ли стра­те­гик да­сту­рлар иш­лаб чи­қиш;

- банк мута­хас­сис­ла­рини ўқи­тиш­ни амал­га оши­риш, ўқув жа­раё­нини ав­то­мат­лаш­ти­риш­нинг за­мо­навий воситаларига асо­слан­ган доимий фао­лият юри­тув­чи таж­риба ва на­мойиш стенд­ла­рини, банк ва ин­фор­ма­цион тех­но­ло­гия­ла­ри бўй­ича тре­нинг­мар­каз­ла­рини яра­тиш;

- Хал­қаро мо­лия ин­сти­ту­т­ла­ри, ил­мий-из­ла­ниш ва ўқув му­ас­са­са­ла­ри, ҳисоб­лаш ва бош­қа тех­ни­ка­лар, ил­ғор ҳисоб­лаш ва орг­тех­ни­ка иш­лаб чи­қарув­чи­ла­ри ва тизим ин­те­гра­тор­ла­ри билан ил­мий тех­ник ва сав­до-иқ­ти­со­дий ало­қа­лар­ни ҳам­да ҳам­кор­лик ва ше­рик­лик му­но­са­бат­ла­рини ривож­лан­ти­риш;

- Ўз­бе­ки­стон Рес­пуб­ли­ка­си банк ту­зил­ма­ла­ри­га тур­ли хил тижорат ва мас­ла­хат (кон­сал­тин­г) хиз­ма­т­ла­рини кўрсатиш;

3.3. Жа­ми­ят ўз ва­зи­фа­ла­ри­га кўра қўйи­да­ги фао­лият тур­ла­рини олиб бо­ра­ди:

- пла­стик кар­точ­ка­лар­ни қўл­лаш ор­қали нақд пул­сиз ҳисоб-ки­тоб­лар Хал­қаро тў­лов тизимини ту­зиш ва уни ривож­лан­ти­риш бўй­ича хиз­ма­т­лар кўрсатиш, мил­лий ва хо­ри­жий ва­лю­та­да пла­стик кар­точ­ка­лар ор­қали ҳисоб-ки­тоб­лар­ни амал­га оши­риш­ни таъ­мин­лов­чи Ягона Хал­қаро Про­цес­син­г мар­кази фао­лиятини таъ­мин­лаш;

- пла­стик кар­точ­ка­лар­ни қўл­лаш ор­қали нақд пул­сиз ҳисоб-ки­тоб­лар Хал­қаро тў­лов тизими Кон­цеп­ция­сини яра­тиш ва ривож­лан­ти­риш;

- элек­трон тў­лов воситаларининг ҳу­қу­қий ма­қо­мини бел­ги­лов­чи, пла­стик кар­точ­ка­лар эмиссияси ва “элек­трон пул­лар” муо­ма­ласини тар­тиб­га со­лув­чи ҳам­да то­мон­лар маж­бу­рият­ла­ри ва ўзаро му­но­са­бат­ла­ри тар­тиб­ини бел­ги­лов­чи қонун­чи­лик ва меъёрий ҳуж­жат­лар лойи­ҳа­ла­рини тайёр­лаш­да ишти­рок этиш;

- пла­стик кар­точ­ка­лар­ни қўл­лаш ор­қали нақд пул­сиз ҳисоб-ки­тоб­лар хал­қаро тў­лов тизими ишти­рок­чи-банк­ла­ри (кейин­ча­лик Тизим ишти­рок­чи­ла­ри)ни сер­ти­фи­кат­лаш талаб­ла­рини бел­ги­лаш­да, банк­ла­ро ўзаро ҳисоб-ки­тоб­лар жа­д­ва­ли­ни иш­лаб чи­қиш­да, эмиссия процес­син­г мар­каз­ла­рининг ту­зи­ли­ши ва фао­лиятини таш­кил қи­лиш­да ишти­рок этиш;

- ком­плек­с тех­но­логик ечим­лар жорий этиш лойи­ҳа­ла­рини амал­га оши­риш бўй­ича биз­нес-план­лар иш­лаб чи­қиш;

- тушум­лар­ни на­зорат қи­лиш­ни тар­тиб­га солиш, ин­кас­са­ция хара­жат­ла­рини ка­май­ти­риш ва сав­до опе­ра­ция­ла­рини амал­га оши­риш вақ­тини қис­қар­ти­риш мақ­са­ди­да пла­стик кар­точ­ка­лар­нинг эмитент­ла­ри бўл­ган банк­лар ва то­вар (хиз­ма­т)лар учун пла­стик кар­точ­ка­лар ор­қали тў­лов­лар қа­бул қи­лув­чи кор­хо­на­лар ўртаси­да­ги ўзаро му­но­са­бат­лар­ни тар­тиб­га со­лув­чи нор­ма­тив ҳуж­жат­лар лойи­ҳа­ла­рини тайёр­лаш­да қат­на­шиш;

- лойи­ҳа­лар­ни амал­га оши­риш, лойи­ҳа­лар­нинг ап­па­рат ва да­стурий қис­м­ла­рини ўр­на­тиш ва соз­лаш;

- да­стурий-ап­па­рат ком­плек­с­ла­ри­га ка­фо­лат, ка­фо­лат­дан кейин ва сер­вис хиз­ма­т­ла­рини кўрсатиш­ни амал­га оши­риш;

- ком­плек­с тех­но­логик ечим­лар талаб­ла­ри­га кўра да­сту­рлар иш­лаб чи­қиш ва мос­лаш­ти­риш;

- тизим ишти­рок­чи-банк­ла­ри учун Банк­ла­ро тў­лов тизими пла­стик кар­точ­ка­лар­нинг маълумот­лар ба­за­сини шакл­лан­ти­риш ва юри­тиш;

- иштирокчи-банклар талаби билан ҳақиқий бўлмаган пластик карточкаларни Стоп-листга киритиш, Стоп-листни пизим иштирокчи-банкларига етказиш;
- нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тизим ва воситаларидан фойдаланиб амалга оширилиши мумкин бўлган ғаразли фойдаланиш ва фирибгарлик ҳолатларининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишда қатнашиш;
- банклараро тўлов тизимининг пластик карточкалари орқали операциялар амалга оширувчи тижорат банклари фаолиятини йўналтириш;
- тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотлар билан пластик карточкаларга хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш;
- тизим иштирокчилари бўлган банклар учун пластик карточкаларнинг бирламчи ва иккиламчи эмиссияси ишларини амалга ошириш;
- электрон тўловлар тизими республика тармоғи ҳисоб-клиринг марказлари билан ўзаро фаолиятни ташкил этиш;
- иштирокчи-банклар, электрон тўловлар тизими республика тармоғининг ҳисоб-клиринг марказлари ўртасида маълумотлар алмашинувини таъминлаш;
- тизим иштирокчилари номидан маълумотлар шакллантириш ва уларни электрон тўловлар тизими республика тармоғининг ҳисоб-клиринг марказларига тўлаш учун тақдим қилиш;
- тизим иштирокчиларига молиявий маълумотлар ва электрон тўловлар тизими республика тармоғининг ҳисоб-клиринг марказлари ҳисоб-китоб натижалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш;
- банк, саноат, савдо-сервис ва бошқа корхоналар учун банк тўлов тизимлари, маълумот хавфсизлиги тизимлари ва рухсатни чеклашнинг электрон тизимларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- пластик карточкалар қўллаш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўлов тизими, маълумот хавфсизлиги ва рухсатни чеклашнинг электрон тизимлари бўйича консалтинг (маслаҳат) хизматларини кўрсатиш;
- пластик карточкаларнинг логотиплари андозаларини тайёрлаш ва график персонализацияни амалга ошириш;
- банк, молия ва инфорацион технологияларни тадбиқ қилиш соҳасида, банк ва корпоратив фаолият бизнес-жараёнларининг реинжиниринги бўйича маркетинг, маълумот-аналитик ва консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- мавжуд ва янги банк хизматлари, инфорацион технологиялар ва молиявий воситаларга бўлган қизиқишни шакллантириш мақсадида реклама ва сўров тадбирларини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқарувчи компаниялар ва яратувчи фирмаларнинг техник экспертларини жалб этган ҳолда банк ва бошқа ташкилотлар мутахассисларини ўқитишни ташкил қилиш ва ўтказиш, банк, молия ва инфорацион технологиялар бўйича семинар, конференция ва кўрғазмалар ўтказиш;
- лойиҳа, илмий-изланиш ишлари, техник, техник-иқтисодий экспертиза ва маслаҳатни амалга ошириш, инфорацион хизмат кўрсатиш;
- технологик мақсадларда ишлатиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, банк инфорацион технологиялари соҳасида хизматлар кўрсатиш;
- ҳисоблаш техникаларини йиғиш, сотиш, таъмирлаш ва комплекс хизмат кўрсатиш;

- автоматлаштирилган аппарат-дастурий тизимлар, электрон ҳисоблаш техникаси ва тизимларини ишлаб чиқиш, тадбиқ қилиш ва ўрнатиш, уларни эксплуатация қилиш ва сервис хизматлари кўрсатиш;

- консултациялар бериш, шу жумладан, иқтисодий, ҳуқуқий ва техник табиатдаги консултациялар бериш;

- янги информацион банк ва телекоммуникация технологияларини ишлаб чиқиш, тадбиқ қилиш ва амалга ошириш;

3.4. Жамият лицензиялаш ёки махсус рухсатномалар олиниши лозим бўлган фаолият турлари билан амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва шартларда шуғулланади.

4. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ.

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва ўз олдида турган вазифаларни ечиш мақсадида, жамият қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- тузилган шартномаларга мувофиқ, моддий-техник ва бошқа маҳсулотларни етказиб беришни таъминлаш;

- хорижий мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ва хизматларни келишилган нархлар бўйича сотиш;

- жамият ўз фаолият дастурини мустақил шакллантиради, шартнома асосида ишлаб чиқарган маҳсулотлари (иш, хизматлар)нинг ички ва ташқи бозорларда сотилиши шартларини, унинг нархларини, шунингдек иш ва хизматларни бозордан етказиб бериш шартларини белгилаши мумкин. Эмиссия ва процессинг хизматлари бўйича кўрсатилган хизматлар нархи банклараро координация Кенгаши қарорига кўра белгиланади.

- бошқа юридик шахслар устав фондида (устав капиталида) таъсисчи сифатида ёки ўзга йўл билан қатнашиш, ўз ваколатхоналари ва филиалларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ташқарисида очиш;

- тузиладиган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар асосида хорижий инвестицияларни жамиятга ҳамда унинг филиалларига жалб қилиш (даромадни тақсимлаш тартиби тузилган шартномаларда алоҳида қайд этилади);

- хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу жумладан хориждан маблағларни жалб қилиш тўғрисидаги шартномаларни тузиш йўли билан, тижорат банклари ҳамда бошқа молия институтларидан кафолатлар олиш;

- мол-мулкни лизинга бериш юзасидан ижара пунктларини ҳамда техник воситаларига хизмат кўрсатиш пунктларини ташкил қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқаридаги ҳудудларда давлат, тижорат, юридик ва жисмоний шахслар билан турли битимлар ҳамда бошқа юридик актларни амалга ошириш;

- жамият ишларига чет эл жисмоний шахсларини жалб қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчар ва кўчмас мулкларни, мулкчилик ҳуқуқларни ва интеллектуал мулкни мулк қилиб сотиб олиш, уларни ижарага олиш ва бериш;

- уюшма, иттифоқ, консорциум ва бирлашмаларга аъзо бўлиш;

- белгиланган тартибда банкларда ҳар қандай, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар қандай тўлов шакллари ўтказиш ва акцептлаш, ўз маблағларини ўрнатилган тартибда ваколатли банклар орқали айирбошлаш;
- маҳсулотларни ҳамда хизматларни сотиш;
- ўзининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;
- мазкур Уставида белгиланган вазифаларини бажариш учун зарур бўлган техник-ишлаб чиқариш воситалари, ҳом ашё, материаллар, транспорт воситаларини сотиб олиш;
- савдо (тендер), шу жумладан ким ошди савдолари ва танловларда қатнашиш ҳамда хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

5. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

5.1. Жамият устав фондининг миқдори **155 448 748 000,0** (бир юзи эллик беш миллиард тўрт юз қирқ саккиз миллион етти юз қирқ саккиз минг) сўм бўлиб, номинал қиймати **1 000** (минг) сўмдан бўлган **155 448 748** (бир юзи эллик беш миллион тўрт юз қирқ саккиз минг етти юз қирқ саккиз) дона оддий, нақдсиз акцияларга бўлинган.

5.2. Жамият устав фондининг миқдори қонунчиликда белгиланган тартибда жамият ваколатли органининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

5.3. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда жойлаштириши мумкин бўлган, эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати **1 000** (минг) сўмдан бўлган **500 000 000** (беш юз миллион) дона оддий, нақдсиз акциялардан иборат.

6. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КўПАЙТИРИШ

6.1. Жамиятнинг устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.2. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади

6.3. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларнинг жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан, мазкур Уставга мувофиқ жойлаштириладиган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.

6.4. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида

қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

6.5. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

7. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ

7.1. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.2. Жамият устав фондини камайтириш ва жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

7.3. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

8. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Жамият акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилганда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги тўлиқ ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендларни эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.

Акциядорлар қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8.2. Акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширилишини таъминлаш учун жамият бошқарув ва назорат органлари акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар учун овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш имконини яратади.

8.3. Жамиятдаги ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

8.4. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

8.5. Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли.

8.6. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

8.7. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

8.8. Жамият Қонунда назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, бошқарув мажлисларининг баённомалари, шунингдек жамият директорининг буйруқлари ва жамият акциядорларининг реестри мустасно.

Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга Қонунда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт. Ҳақ миқдори жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

Жамият сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

Акциядорлар жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Акциядор (акциядорлар) йирик битимни ёки аффилланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқиладиган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.

8.9. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- жамиятнинг акцияларига қонун ҳужжатларида, ушбу Уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;

- жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик;
- жамият акцияларининг эллик ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгаллик қилмаган ёки акцияларининг эллик фоизидан камроғига эгаллик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши ҳамда акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг эллик ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиш;

- миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Акциядорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. АКЦИЯЛАРНИ БОШҚА ШАХСГА МУЛК ҚИЛИБ ЎТКАЗИШ

9.1. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

10. ЖАМИЯТНИНГ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

10.1. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тегишли бошқарув органининг қарорига мувофиқ облигациялар жойлаштиришга ҳақли. Бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш тартиби, уларни жойлаштириш ҳамда уларни олишда жамият акциядорларининг ҳуқуқлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

11. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИГА ҲАҚ ТўЛАШ

11.1. Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек, пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкый ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилиши мумкин.

11.2. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш эса, уларни чиқариш тўғрисидаги акциядорлар умумий йиғилиши қарори ёки Кузатув кенгаши қарори билан белгилаб қўйилади. Жамиятнинг қўшимча акцияларига мазкур акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

12. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ

12.1. Жамият фаолияти давомида захира фонди ташкил этилади. Захира фондига ажратма акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан жамиятнинг соф фойдасидан ажратилади. Захира фонди жамият устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди ушбу Уставда кўрсатилган миқдорга етгунига қадар ҳар йилги соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорида мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали амалга оширилади.

12.2. Жамиятнинг захира фонди бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, кўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш ва қонунчиликка ҳамда ушбу Уставга мувофиқ жамиятнинг акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

12.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

12.4. Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида захира фондидан ташқари бошқа фондлар тузишга ҳақли.

12.5. Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш Кузатув кенгаши қарорлари билан амалга оширилади.

12.6. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

12.7. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугагандан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришни эълон қилиши шарт.

12.8. Жамият устав фондини камайтириш ёки жамиятни тугатиш бўйича қарор қабул қилинмаган тақдирда унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек, давлатнинг ваколатли органлари жамиятни тугатиш юзасидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

13. ЖАМИЯТНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯЛАРНИ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИШИ

13.1. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида Кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

13.2. Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати устав фондининг қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

13.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни сотиб олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қабул қилган қарор асосида жамият томонидан сотиб олинган акциялар уларни сотиб олиш вақтида муомаладан чиқарилади.

13.4. Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинмаган акцияларнинг турлари, жамият сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони,

сотиб олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда сотиб олиниши белгилаб қўйилиши лозим.

13.5. Жамият акцияларни пул ўтказиш ёки мулк бериш йўли билан сотиб олади.

Акцияларни сотиб олиш муддати ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни сотиб олиш нархи бозор баҳосига мувофиқ белгиланади.

13.6. Сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган акцияларнинг эгаси бўлмиш ҳар бир акциядор кўрсатиб ўтилган акцияларни сотишга ҳақлидир, жамият эса уларни сотиб олиши шарт. Агар жамиятнинг сотиб олиши тўғрисида ариза тушган акцияларнинг умумий сони ушбу бандда белгиланган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда жамият сотиб олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиб кетса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар сотиб олинади.

13.7. Акциялар сотиб олинадиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни жамият томонидан акциялар олиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт. Хабарномада ушбу Уставнинг 13.4.-бандида кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

14. ЖОЙЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН СОТИБ ОЛИНИШИДАГИ ЧЕКЛАШЛАР

14.1. Жамият:

- жамиятнинг бутун устав фонди батамом тўлангунга қадар;
- агар оддий акцияларни сотиб олиш вақтига келиб жамиятда банкротлик белгилари бўлса ёки бундай белгилар у акцияларни сотиб олганлиги натижасида пайдо бўлса;
- агар оддий акцияларни сотиб олиш вақтига келиб жамиятга қарашли соф активларнинг қиймати унинг устав фондидан, захира фондидан кам бўлса ёхуд акцияларни сотиб олиш натижасида уларнинг миқдоридан камайиб кетса, оддий акцияларни сотиб олишга ҳақли эмас.

15. АКЦИЯЛАРНИ ЙИРИКЛАШТИРИШ ВА МАЙДАЛАШ

15.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳуқуқига эга бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

15.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият жойлаштирилган акцияларни майдалаш ҳуқуқига эга бўлиб, бунинг натижасида жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда жамият уставига унинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.

16. АКЦИЯДОРЛАР ТАЛАБИГА БИНОАН ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРНИ ҚАЙТАРИБ СОТИБ ОЛИШИ

16.1. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

16.1.1. Жамият қайта ташкил этилганда ёки йирик битим амалга оширилганда, башарти акциядорлар қайта ташкил этиш ёки кўрсатиб ўтилган битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлсалар ёхуд бу масалалар бўйича овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар;

16.1.2. Жамият бошқарув органлари томонидан жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлсалар ёхуд бу масалалар бўйича овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар;

16.1.3. Жамият Уставига акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилганда ёки жамиятнинг Устави уларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган тарзда янги таҳрирда тасдиқланганда, башарти акциядорлар тегишли қарорлар қабул қилинишига қарши овоз берган бўлсалар ёки овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар, ўзларига қарашли акцияларнинг ҳаммаси ёки муайян қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

16.2. Ўзларига тегишли акцияларни жамиятнинг қайтариб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати овоз бериш натижасида акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келиши мумкин бўлган масалалар кун тартибига киритилган умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

16.3. Жамият акцияларни бозор қиймати бўйича қайтариб сотиб олади, бу қийматни аниқлаш чоғида жамиятнинг акцияларни баҳолашни ва қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келишига сабаб бўладиган ҳаракати натижасида унинг қиймати ўзгариши ҳисобга олинмайди.

16.4. Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олишга йўналтириладиган маблағларнинг умумий суммаси акциядорларда ўзларига қарашли акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи юзага келишига сабаб бўлган қарор қабул қилинган санадаги жамият соф активлари қийматининг ўн фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас, бундан жамиятнинг ўзгартирилиши ҳоллари мустасно. Қайтариб сотиб олиш талаби қўйилган акцияларнинг умумий сони ушбу қисмда белгиланган чеклов инobatга олинган ҳолда жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши мумкин бўлган акциялар сонидан ошиб кетган тақдирда акциялар акциядорлардан қўйилган талабларга мутаносиб равишда қайтариб сотиб олинади.

16.5. Акциялар қайтариб сотиб олинган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши лозим, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур акцияларни бекор қилиш йўли билан жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

17. ДИВИДЕНД

17.1. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

17.2. Жамият акцияларининг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

17.3. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

17.4. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

18. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

18.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

18.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

19. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

19.1. Акциялар бўйича дивидендларни тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тулаш шакли тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

19.2. Дивидендларнинг миқдори жамият Кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан куп булиши мумкин эмас.

Дивидендлар тулаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тулаш бошланадиган ва тугайдиган саналар курсатилган булиши лозим.

20. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

20.1. Дивидендлар жамият тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги керак.

20.2. Ҳар бир дивиденд тўланиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда жамият акциядорларининг реестри ёпилади.

20.3. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

20.4. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

20.5. Акциядор жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар жамият томонидан тўланмаган

тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

21. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ МУМКИН БЎЛАДИГАН АКЦИЯЛАР

21.1. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

22. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШДАГИ ЧЕКЛАШЛАР

22.1. Жамият:

- жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

- жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

23. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАНИШИ ҲАҚИДА АКЦИЯДОРЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ

23.1. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

24. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ БОШҚАРИШ

24.1. Акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия (бошқарув) органи бошқаради.

24.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши - жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

24.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт.

24.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Кузатув кенгаши томонидан белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, яккабошчилик асосидаги Ижроия (бошқарув) органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, шунингдек, жамиятнинг йиллик

ҳисоботи, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш, жамият Ижроия (бошқарув) органи ва Кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ҳамда қонунчиликда ва жамият “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом”га мувофиқ бошқа ҳужжатларни кўриб чиқилади.

24.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

24.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини жамиятнинг Кузатув кенгаши белгилайди.

25. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

25.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига қуйдагилар киради:

- жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш (қўшимча акциялар чиқариш орқали жамият устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно);
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, жамият Ижроия (бошқарув) органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказо);
- жамият Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш, шунингдек Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамият йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қонунчиликда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- қонунчиликда ва ушбу Уставда кўзда тутилган тартибда жамиятнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштирилиши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш;

- қонунчиликда ва ушбу Уставда кўзда тутилган тартибда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш;

- Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва бадаллар миқдорини тасдиқлаш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдамни энг кўп миқдорларини белгилаш;

- жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш буйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тугрисидаги Ижроия (бошқарув) орган ва Кузатув кенгашининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш;

- жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш.

- жамиятнинг “Ички назорати тўғрисида”, “Дивиденд сиёсати тўғрисида”, “Манфаатлар тўқнашуви буйича амалга ошириладиган тадбирлар тартиби тўғрисида”ги ва бошқа низомларини тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

- қонунчиликда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

25.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият Кузатув кенгаши ва Ижроия (бошқарув) органига берилиши мумкин эмас.

26. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙ ЙИҒИЛИШИНING ҚАРОРИ

26.1. Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар буйича жамиятнинг оддий акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга.

26.2. Акция эгаси бўлмиш акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

26.3. Овозга қўйилган масала буйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, ушбу Уставда қарор қабул қилиш учун акциядорлар овозининг кўпроқ миқдори белгилаб қўйилган масалалардан ташқари, йиғилишда иштирок этаётган жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози (оддий кўпчилик) билан қабул қилинади.

26.4. Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, йиллик ҳисоботларини тасдиқлаш, фойда ва зарарларни тақсимлаш, шу жумладан дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан масалалари Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан фақат Кузатув кенгашининг таклифига биноан қабул қилинади.

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланиб, кейин Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

26.5. Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, жамиятни қайта ташкил этиш, жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш, эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини

белгилаш, жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш, Жамиятнинг мол-мулк сотиб олиши ва мол-мулкни бегоналаштириши билан боғлиқ йирик битимларни тузиш ва жамиятнинг аффилиланган шахс билан тузилаётган битимларни маъқуллаш масалалари бўйича қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози (малакали кўпчилик) билан қабул қилинади.

26.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек, кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

26.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари Қонунда ҳамда жамият Уставида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

26.8. Агар акциядор узрли сабабларга кўра акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

26.9. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлар умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

27. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

27.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

27.2. Акциядорнинг талабига биноан жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

27.3. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

28. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМЙЙ ЙИҒИЛИШНИН ИЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

28.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир

кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Бунда Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

28.2. Жамият умумий йиғилиш ўтказиш ҳақида акциядорларни бошқа оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) орқали қўшимча хабардор қилишга ҳақли.

28.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорлари реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

28.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Кузатув кенгашнинг жамият Ижроия (бошқарув) органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида хулосаси, Кузатув кенгаш ҳамда Тафтиш комиссияси аъзоллигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Уставга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиш кун тартибидagi масалалар бўйича Кузатув кенгашининг позицияси юзасидан маълумот қиради.

29. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING КУН ТАРТИБИГА ТАКЛИФЛАР КИРИТИШ

29.1. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари (акцияси эгаси) Кузатув кенгаш мажлисини чақиришни талаб қилишга ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзоллигига номзодларини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари (акцияси эгаси) молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 90 кундан кечикмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият Кузатув кенгаши ва жамият Тафтиш комиссиясига бу органларнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

29.2. Акциядорлар (акциядор) жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

29.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала - уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

29.4. Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш, шу жумладан, ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод Жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек, номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

29.5. Жамият Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда 29.1. бандда белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

29.6. Акциядор (акциядорлар) киритган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, шунингдек, кўрсатилган номзодлар жамият кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- акциядор (акциядорлар) ушбу Уставнинг 29.1. бандида белгиланган муддатга риоя этмаган бўлса;
- акциядор (акциядорлар) ушбу Уставнинг 29.1. бандида назарда тутилган миқдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- ушбу Уставнинг 29.3. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

29.7. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори ана шу масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорга (акциядорларга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан узоғи билан уч иш кун ичида юборилади.

29.8. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

30. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

30.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамият Кузатув кенгаши, Уставнинг 31.11. бандида назарда тутилган ҳолларда эса умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани;

- умумий йиғилишни ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани;
- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

30.2. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган масалалар (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва х.к.) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 21 кундан кам ва 30 кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

31. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

31.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият Кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, жамият Тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек, талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

31.2. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки овоз берувчи акцияларнинг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги талаб тақдим этилган пайтдан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай амалга оширади.

31.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилмоғи лозим.

31.4. Жамият Кузатув кенгаши жамият Тафтиш комиссиясининг ёки овоз берувчи акцияларнинг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибигаги масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

31.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талаби акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган бўлиши лозим.

31.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талабномаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

31.7. Жамият Тафтиш комиссияси ёки овоз берувчи акцияларнинг камида беш фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талабнома тақдим этган санадан бошлаб ўн кун ичида жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

31.8. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки овоз берувчи акцияларнинг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, башарти:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу Уставнинг 31.1. бандида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан биронтаси ҳам унинг ваколатларига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

31.9. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан узоғи билан уч иш кунидан кечиктирмай йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

31.10. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

31.11. Жамият Кузатув кенгаши қонунчиликда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган бўлса ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлса, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ харажатлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

32. САНОҚ КОМИССИЯСИ

32.1. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

32.2. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлади. Санок комиссияси таркибига жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, бошқарув аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи, шу билан бирга ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

32.3. Санок комиссияси акциядорлар умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, акциядорлар (уларнинг вакиллари) умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларини рўёбга чиқариши муносабати билан юзага келадиган масалалар хусусида тушунтиришлар беради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва

овоз бериш якунини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг идоравий архивига топширади.

33. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАРТИБИ

33.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

33.2. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

33.3. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, турар жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан бериладиган овоз беришга доир ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

34. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING КВОРУМИ

34.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

34.2. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

34.3. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акциядорларнинг янги чақирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

34.4. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Уставнинг 28-бўлимида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

34.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

35. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШ

35.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси-битта овоз» қондасига мувофиқ ўтказилади, жамиятнинг

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

36. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING БАЁННОМАСИ

36.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

36.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган жой ва вақт;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони;
- йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозлар сони;
- йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида нутқларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш натижалари, йиғилиш қабул қилган қарорлар акс эттирилиши лозим.

37. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ВА МУСТАҚИЛ АЪЗО

37.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

37.2. Жамият Кузатув кенгаши беш нафар аъзодан иборат бўлиб, улар қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланадилар.

Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан кўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Кўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

37.3. Жамият Кузатув кенгаши таркибида камида бир нафар мустақил аъзо фаолият юритади, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин.

37.4. Кузатув кенгашининг мустақил аъзосига қўйилган талаблар қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

37.5. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан жамият Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Кузатув кенгаш тўғрисида” ги Низом билан белгилаб қўйилади.

38. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

38.1. Кузатув кенгаш жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат

унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди.

38.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратадбирлар тўғрисида Ижроия (бошқарув) органнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, ушбу Уставнинг 31.11. бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санани, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ҳамда умумий йиғилиши ўтказилиши учун жамият акциядорлари реестрларини шакллантириш саналарини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- амалдаги қонунчиликда кўрсатилган муддатларда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш;
- жамиятнинг Ижроия (бошқарув) органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатдан эркин фойдаланиш ва Ижроия (бошқарув) органидан Кузатув кенгаш зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган хужжатлардан Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;
- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;
- жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда мол-мулк сотиб олиш ва уни тасарруфдан чиқариш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган тартибда жамиятнинг аффилиланган шаслар билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида

қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият Уставига жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- ижроия (бошқарув) органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

- эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш матнини тасдиқлаш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

- кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, бошқарув аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

- танлов асосида жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустакил ташкилотни танлаш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қонунчиликка ва ушбу Уставга мувофиқ Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

38.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият Ижроия (бошқарув) органига ўтказилиши мумкин эмас.

39. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ, ТАЙИНЛАШ

39.1. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

39.2. Жамиятнинг бошқарув аъзолари шунингдек бошқарув Раиси Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаган “Кузатув кенгаш тўғрисида”ги Низом билан белгилаб қўйилади.

39.3. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича кумулятив овозларни жамият Кузатув кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

39.4. Жамият Кузатув кенгаши таркибига жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари бўлган шахслар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда сайланади.

40. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

40.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

40.2. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

40.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

41. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

41.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгашининг аъзоси, Тафтиш комиссияси, жамият ижроия органининг ҳамда жами акцияларининг миқдори жамият акцияларининг бир фоизидан кам бўлмаган акциядор ёки акциядорлар талабига биноан чақирилади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби “Кузатув кенгаш тўғрисидаги Низом”да белгилаб қўйилади.

41.2. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони акциядорлар умумий йиғилиши қарорида белгиланган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳақлидир.

41.3. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият устав фондиди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан кўпайтириш ва шу муносабат билан Уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

41.4. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилгандан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисида ҳозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

41.5. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисида иштирок этаётган Кузатув кенгаш аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлисининг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

41.6. Кузатув кенгашининг фаолиятини белгилаб берувчи тўлиқ қоидалар акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланадиган “Кузатув кенгаш тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади.

42. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ (БОШҚАРУВ) ОРГАНИ

42.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Бошқарув ва Бошқарув раиси томонидан амалга оширилади.

42.2. Компаниянинг Бошқаруви 5 (беш) кишидан иборат бўлиб, Бошқарув ваколатига жамият кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

42.3. Жамият Бошқаруви мажлиси унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисида Бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

Бошқарув мажлисида қарорлар мажлисида қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Бошқарув раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Бошқарув ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

Бошқарув раиси жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

Бошқарув раиси амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаш қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

42.4. Бошқарув ваколатига қуйидагилар киради:

- жамият тузилмалари, шўъба ва тобе жамиятлар, филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини тайинлаш;
- бошқармалар ва таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлаш;
- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;
- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;
- жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш;
- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- жамият таркибига кирадиган корхоналар ва ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўз вакилларининг жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш;
- жамият ўзи ташкил этган шўъба корхоналарнинг ва бошқа корхоналарни Уставини, бизнес-режаларини тасдиқлаш;
- Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида тегишли таклифлар, лойиҳаларни киритиш;
- жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилиш.

Бошқарув, шунингдек қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва «Ижроия (бошқарув) органи тўғрисида»ги Низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

42.5. Бошқарув раисининг ҳуқуқлари ва ваколатлари:

Бошқарув раиси:

- жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;
- Кузатув кенгашнинг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- жамият номидан ҳужжатларни, шартномаларни имзолайди;
- ходимларнинг штат жадвалларини тасдиқлайди;
- жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган фармойиш ва буйруқлар чиқаради ҳамда кўрсатмалар беради;
- жамият номидан ишончномалар беради;
- жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган фармойиш ва буйруқлар чиқариш ҳамда кўрсатмалар бериш;
- жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;
- Кузатув кенгашнинг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин.

Бошқарув раиси, шунингдек қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва «Ижроия (бошқарув) органи тўғрисида»ги Низомга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

42.6. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

- жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

- ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда ва виждонан бажариш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаш қарорлари ижросини таъминлаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;
- жамият Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тегишли тарзда ошкор этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлаш;
- жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;
- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;
- жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;
- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия (бошқарув) органи тўғрисида»ги Низом ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

42.7. Бошқарув раиси ҳар чоракда Кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради. Бошқарув раиси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили яқунларига кўра жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

42.8. Бошқарув раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан уч йиллик муддатга сайланади.

Бошқарув аъзолари Кузатув кенгаш томонидан уч йиллик муддатга сайланади (тайинланади).

Сайлангандан (тайинлангандан) сўнг Бошқарув раиси ва ҳар бир аъзоси билан тегишли лавозими бўйича вазифаларини бажаришга уч йил муддатга меҳнат шартномаси тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини жамият номидан Кузатув кенгаш раиси имзолайди.

Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини жамият номидан Бошқарув раиси имзолайди.

Бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан, қоида тариқасида, танлов асосида сайланади (тайинланади).

Жамият Бошқарув раиси лавозимига тайинлаш учун ўтказиладиган танловда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир қаторда хорижий давлат фуқаролари ва менежерлари ҳам иштирок этиши мумкин.

Ижроия (бошқарув) органининг акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмини жорий этиш учун жамият бошқарув органлари акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия (бошқарув) органи вакиллариининг ижроия (бошқарув) органига аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқини чеклаши мумкин.

Бошқарув раиси лавозимига тайинлаш учун киритиладиган номзодларни аниқлаб олиш тартиби “Ижроия (бошқарув) органи тўғрисида”ги Низом талабларидан келиб чиқиб белгиланади.

43. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, ИЖРОИЯ (БОШҚАРУВ) ОРГАНИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

43.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Ижроия (бошқарув) органи, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

43.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Ижроия (бошқарув) органи қонун ҳужжатларига ва Уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

43.3. Айни пайтда жамиятга зарар келтиришга сабабчи бўлган қарорга овоз беришда қатнашмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган бошқарув аъзолари ва Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан Қонунда белгиланган ҳоллар мустасно.

43.4. Ушбу модданинг қоидаларига мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар ҳисобланади.

43.5. Жамият ёки у жойлаштирган оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни даъво қилиб Кузатув кенгаши аъзоси, Ижроия (бошқарув) органи ёки бошқарувчи ташкилот устидан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

43.6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси, Ижроия (бошқарув) органи, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлгон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

43.7. Агар жамиятнинг Ижроия (бошқарув) органи томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият бошқарув аъзоларининг ёхуд ишончли бошқарувчининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

44. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛК ОЛИШИ ЁКИ УНИ ТАСАРРУФДАН ЧИҚАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЙИРИК БИТИМЛАР

44.1. Қуйидагилар йирик битимлар ҳисобланади:

Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

44.2. Жамиятнинг йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очиқ бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулудда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун битимнинг тарафлари томонидан баҳоловчи ташкилот жалб этилиши мумкин.

45. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛК ОЛИШИ ЁКИ УНИ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЙИРИК БИТИМНИ ТУЗИШ

45.1. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

45.2. Йирик битим тузиш масаласида жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин.

45.3. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

45.4. Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг Ижроия (бошқарув) органи томонидан амалга оширилади.

Ушбу талаб бузилган ҳолда тузилган йирик битим суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин

46. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛАНГАН ШАХСЛАРИ

46.1. Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

46.2. Қуйидагилар жамиятнинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

1) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;

2) ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

3) ушбу жамият Кузатув кенгашининг аъзоси, жамият бошқаруви аъзоларининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

4) ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

5) ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

6) ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айна бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

7) ушбу жамият Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айна бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

8) ушбу жамиятнинг бошқарув аъзолари бўлган айна бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

9) яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият Кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия (бошқарув) органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

10) ушбу жамият Бошқарув аъзоларининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

11) ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

46.3. Қуйидагилар жамиятнинг аффилланган шахси бўлган акциядор — жисмоний шахснинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

1) ушбу жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

2) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

3) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

47. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАР ТУЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

47.1. Жамиятнинг афилланган шахслари жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт.

47.2. Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари, қарор қабул қилган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳамда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш чоғидаги манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотлар жамият йиллик ҳисоботининг бир қисмидир.

48. АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ТУЗИЛАДИГАН БИТИМЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

48.1. Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг Ижроия (бошқарув) органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганилади. Жамиятнинг Ижроия (бошқарув) органи томонидан ўрганиш ёзма билдириш олинганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади. Ижроия (бошқарув) органи қарорига кўра мазкур битимни ўрганишга қўшимча равишда жамиятнинг бошқа ходимлари жалб қилиниши мумкин.

48.2. Аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни жамият Ижроия (бошқарув) органи ва ички аудит хизмати томонидан ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсири назарда тутилган бўлиши керак.

48.3. Жамиятнинг Ижроия (бошқарув) органи жамият кузатув кенгашини аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомасини илова қилган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

48.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши аффилланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади

48.5. Агар жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, битим бўйича қарор ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

48.6. Жамиятнинг аффилланган шахси жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

48.7. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда аффилланган шахс билан тузилаётган, қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

48.8. Жамиятнинг Ижроия (бошқарув) органи тузилиши кутилаётган битим тарафини аффилланган шахс билан тузилаётган битим бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.

48.9. Агар аффилланган шахс билан тузилаётган битим айти бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига ушбу Уставнинг йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

48.9. Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

48.10. Жамият акциядори аффилланган шахс билан тузилган битим бўйича мазкур битимни маъқуллаш ҳақида қабул қилинган қарордан норози бўлган ёхуд акциядор қарор қабул қилинишида иштирок этмаган тақдирда низолашиши мумкин.

48.11. Жамият акциядорнинг талабига кўра уч иш куни ичида акциядорга аффилланган шахс билан тузилаётган битим ҳақида Ижроия (бошқарув) органи томонидан имзоланган тегишли ахборотни:

- аффилланган шахс билан тузилиши кутилаётган битим тарафи ёзма билдиришининг;

- битимни ўрганиш натижаси баённомасининг;

- битимни маъқуллаш тўғрисида қабул қилинган қарорнинг;

- тегишли шартноманинг, агар у тузилган бўлса, кўчирма нусхаларини илова қилган ҳолда ёзма шаклда тақдим этиши шарт.

48.12. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга аффилланган шахс билан тузилаётган битимга таалуқли бўлган бошқа ахборотни ҳам тақдим этиши мумкин.

48.13. Аффилланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, акциядор ўша битимни ҳақиқий эмас деб топиш юзасидан бевосита ёхуд акциядор номидан даъвогар бўлиб чиқишга ҳақли бўлган ваколатли давлат органлари орқали судга мурожаат қилишга ҳақли.

48.14. Жамиятнинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядор аффилланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга доир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, жамият суднинг қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда акциядорнинг аудиторлик ташкилотини жалб этишга доир харажатларининг ўрнини мазкур хизматларнинг бозор қийматидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаши шарт.

48.15. Аффилланган шахс билан тузилган битим қуйидаги ҳолларда суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:

- амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда битим тузиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилмаганда;

- битимни жамият учун зарарли деб топишга доир асослар мавжуд бўлганда;

- битимни тузишда манфаатлар қарама-қаршилиги мавжуд бўлганда;

- қонунда назарда тутилган бошқа асослар мавжуд бўлганда.

48.16. Аффилланган шахс билан тузилган битим қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлганда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас:

- аффилланган шахс билан тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилган акциядорнинг овоз бериши акциядорларнинг ушбу битимни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинган умумий йиғилишида унинг иштирок этишидан ёки иштирок этмаслигидан қатъи назар, овоз бериш натижаларига таъсир кўрсатмаса;

- мазкур битимнинг тузилиши жамиятга ёки даъво билан судга мурожаат қилган акциядорга зарар етказилишига сабаб бўлганлиги ёки зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкинлиги исботланмаган бўлса;

- мазкур битим бўйича зарарлар битим тарафларининг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг (форс-мажор ҳолатларнинг) натижаси бўлганлиги исботланган бўлса;

- мазкур битимнинг ушбу бобда назарда тутилган тартибда кейинчалик маъқулланганлиги далиллари ишни судда кўриб чиқиш пайтида тақдим этилган бўлса.

48.17. Аффилланган шахс билан тузилган битимни ўрганишни амалга оширган шахслар битим бўйича хулоса ва яқунларнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

48.18. Жамиятнинг суд томонидан айби исботланган аффилланган шахси етказилган зарарнинг, жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилган битимни ва даъвони судда кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

48.19. Жамият ўзи ва аффилланган шахс ўртасида тузилган битим ҳақидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан 72 соат ичида Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ҳамда жамиятнинг расмий веб-сайтида ошкор этади.

49. АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАР ТУЗИШДАГИ ИСТИСНОЛАР

49.1. Мазкур Уставнинг 48-бобида келтириб ўтилган қоидалар қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- тузилишидан жамиятнинг барча акциядорлари манфаатдор бўлган битимларга;

- жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун тузиладиган битимларга, агар қонунчиликка кўра реализация қилишнинг махсус тартиби белгиланадиган монопол маҳсулот, моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари битим предмети бўлса;

- биржа ва кимошди савдолари орқали тузиладиган битимларга, агар жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган хом ашё ва материаллар, шунингдек жамият томонидан ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулот битим предмети бўлса;

- жамият томонидан жойлаштирилаётган қимматли қоғозларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга оширишда;

- жамият жойлаштирилган акцияларни олганда;

- жамиятни қайта ташкил этишга доир тартиб-таомилларни амалга оширишда;

- акцияларни акциядорлар ўртасида жойлаштиришда;

- қимматли қоғозларни ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида реализация қилишда;

- жамият ва аффилиланган шахс ўртасидаги битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида жамият кузатув кенгашининг ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу бобда белгиланган тартибда олдиндан қабул қилинган қарори мавжуд бўлганда.

50. ЙИЛЛИК ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

50.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

50.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек, жамиятнинг расмий веб-сайтида, акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ Ижроия (бошқарув) органи зиммасида бўлади.

50.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

50.4. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин жамият йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун жамият ёки акциядорлар билан мулкӣ манфаатлар негизда боғлиқ бўлмаган аудиторни жалб этиши шарт.

50.5. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

50.6. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади.

50.7 Агар жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилса жамият Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва жамиятнинг расмий веб-сайтида бошқа юридик шахсларнинг беш ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилиши тўғрисидаги ахборотни эълон қилиши шарт. Бунда мазкур ахборот акциялар олинган пайтдан эътиборан етмиш икки соат ичида эълон қилиниши керак.

51. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ

51.1. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан очик обуна ўтказишга ёки уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли.

51.2. Жамият томонидан жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

51.3. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш нархи

жамият Кузатув кенгаши томонидан, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

51.4. Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

51.5. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

51.6. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

51.7. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ўзининг исми-шарифи ва яшаш жойи, ўзи оладиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақли.

52. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

52.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши уч кишидан иборат Тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлаши мумкин.

52.2. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколатлари ва фаолият тартиби ушбу Устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

52.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан амалга оширилади.

52.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни унга тақдим этишлари шарт.

52.5. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси белгиланган тартибларга кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

52.6. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айти шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

52.7. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айти бир шахс

жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

53. ЖАМИЯТ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ХУЛОСАСИ

53.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг Тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга ошириляётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

54. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

54.1. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

54.2. Ички аудит хизмати жамиятнинг Ижроия (бошқарув) органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

54.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

55. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

55.1. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

55.2. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри яқун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

56. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

56.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

56.2. Жамиятни қайта ташкил этиш амалдаги қонунчилик нормаларига ва тартибларга риоя қилган холда амалга оширилади.

57. ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ

57.1. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

57.2. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, жамият Кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан буён матнда тугатувчи деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

57.3. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

57.4. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

57.5. Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

57.9. Жамиятни тугатиш амалдаги қонунчиик нормаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади

58. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

58.1. Жамият:

- жамиятнинг Уставини, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

- жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

- эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

- акциялар эмиссияси рисоласини;

- бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

- жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият Директорининг буйруқларини;

- жамиятнинг аффилиланган шахслари рўйхатларини;

- жамият акциядорларининг реестрларини;

- жамият тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонунчиликда белгиланган бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

59. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

59.1. Ушбу Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар

йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

59.2. Ушбу Уставда ақс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

59.3. Мазкур Уставнинг нормалари қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги ёки бошқа қонунчилик ҳужжатларидаги нормаларга зид келиб қолган тақдирда, амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари қўлланилади.

59.4. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

**Бошқарув раиси
вазифасини вақтинча бажарувчиси**

 **Курбанов Ш.Р.**